Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 87 (20. 055) • 1988 йил 14 апрель, • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

## 16 АПРЕЛЬ — коммунистик шанбалик куни

### ● ФАРҒОНА

Охунбобоев районидаги Аминжон Ниёзов номли совхоз ишчилари Коммунистик шанбалик куни дала ва фермаларда меҳнат қиладилар. Шу куни 150 гектар майдонга чигит экилади. Иброҳим Рўзиматов, Йигитали Раҳимов сингари тажрибали тракторчилар 8 гектардан майдонга чигит қадашга сўз беришди.

Боғ-роғларда мевали дарахтларга ишлов берилади. Марказий йўл четларидаги дов-дарахтлар оқланиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

800 нафардан зиёд ишчи «Қизил шанбалик»да ишлаб топилган маблағни беш йиллик фондига ўтказишни мўлжалламоқдалар.

Т. ТЕШАБОЕВ.

### ● АНДИЖОН

Андижон трикотаж бирлашмаси коллективи Коммунистик шанбаликда иккита янги моделни кўплаб ишлаб чиқара бошлайди. Болаларнинг янги спорт костюми ва янги трикотаж газламадан тикилган футбол кийими корхона экспериментал цехида тайёрланиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилиш арафасида. Айни вақтда модельерлар ўз расмларига сўнгги чизгиларни киритмоқдалар, кийим-кечакка қадаладиган турли ашёларни, ҳужжатларни тайёрламоқдалар.

Коллектив шанбалик муносабати билан қабул қилган мажбуриятга кўра, шу куни корхонанинг тўрт юздан ортиқ ходими меҳнат қилади. Улар ҳаммаси бўлиб 126 минг дона тайёр маҳсулот — болалар, аёллар, эркаклар кийимлари, шунингдек спорт буюмлари ишлаб чиқарадилар.

Коллектив шанбалик куни ишлаб топилган маблағларнинг 5 минг сўмини беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

# БОШҚАРИШ СИСТЕМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

## Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг якунларига доир

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг куни кеча ўз ишини тамомлаган саккизинчи сессияси республикамиз социал-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига тааллуқли жуда муҳим масалаларни муҳокама этди ҳамда тегишли қонунлар қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг республикамизга келиши сессия иши мазмунига теранлик, жўшқин руҳ бахш этди. У ўзининг Тошкент шаҳри ва области меҳнаткашлари билан суҳбатларида, республика партия-хўжалик активлари билан учрашувларида ҳозирги босқичда қайта қуриш юзасидан олиб борилаётган ишнинг, ошкораликни кенгайтириш, меҳнаткашлар оммасини активлаштириш, туб иқтисодий ислоҳотни амалда рўёбга чиқаришнинг энг муҳим йўналишлари ва асосий жабҳаларини белгилаб берди.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемаси тўғрисидаги масала сессиянинг айниқса диққат марказида бўлди ва у атрофлича чуқур муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, депутат Ғ. Ҳ. Қодировнинг шу ҳақдаги докладида Бош схемани ишлаб чиқиш зарурати ва у республикада экономикани жадал ривожлантириш, ҳамма жабҳаларда ишларни қайта қуришда қандай самараларга олиб келиши асослаб берилди.

Маълумки, республика халқ хўжалиги тараққиётининг кейинги беш йилликлар мобайнидаги паст суръатлари, айрим тармоқлар ва регионлар ўртасидаги жиддий номутаносибликларнинг келиб чиқиши, социал муаммолар кескинлашганлиги кўп жиҳатдан бошқарув системаси мукаммал эмаслигининг натижаси бўлди. Министрликлар ва идоралар ўзларининг бош вазифаси — халқ хўжалигини профил маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини қондиришни, актив техникавий сиёсат ўтказишни таъмин этмадилар, бу эса ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасида жиддий қолоқликка олиб келди. Сессияда асбоб-ускуналар ва машиналарнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ўн йил ва ундан ҳам кўп вақт ишлатилаётгани, натижада саноатда қўл меҳнати улуши аслида камаймаётгани ва жами меҳнатнинг ярмисини ташкил этаётгани таъкидлаб кўрсатилди. Бу кўрсаткич, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида тағин ҳам юқори.

Экономиканинг ўсиш суръатлари пастлиги, ноишлаб чиқариш соҳасига маблағ ажратишда «қолдиқ» принципининг ҳукмронлиги структура ва инвестиция сиёсатидаги катта хатоларга қўшилиб, социал муаммоларни, аввало республиканинг тез кўпайиб бораётган аҳолисини иш билан банд қилиш муаммосини ҳал этишга ҳаддан ташқари салбий таъсир қилди. Шу билан бирга, республиканинг катта имкониятлар ва ресурсларга эга бўлган кўпгина областлари ва районларининг потенциали ҳаддан ташқари суст ўсди, бу эса регионларнинг иқтисодий ва социал тараққиёт даражасини бараварлаштириш муаммосини мушкуллаштирди.

Жуда катта бошқарув системаси мавжудлиги шароитида кейинги йилларда хўжалик раҳбарлиги органларининг ҳар қандай масалаларни ҳал этишни марказлаштириши кучайди, маъмурий буйруқбозлик авж олди, ташаббускорлик ва ишга ижодий муносабат, аниқ-равшан жонли иш ўрнига кўп поғонали назорат, расмий-бюрократик ёндашув одат тусига кириб қолди. Сессияда шундай фактлар келтирилди: кейинги ўн беш йил ичида республика аҳолиси 1,5 баравар ўсгани ҳолда, маъмурий ходимлар сони 1,7 баравар кўпайди, уларни сақлашга қилинган чиқимлар эса 1,8 баравар ортиб, 1 миллиард сўмдан ошиб кетди. Ҳозир бошқарув аппаратида 700 мингдан кўпроқ киши ишлаб турибди. Бошқача қилиб айтганда халқ хўжалигида ишлаб турган ҳар олти кишига бир бошқарув ходими тўғри келади. Бу иттифоқдош республикалар ўртасида энг юқори кўрсаткич бўлиб, Иттифоқдаги ўртача даражадан ортиқдир.

Хўжаликка раҳбарлик системасида Иттифоқдаги структурадан кўр-кўрона андоза олиндики, нисбатан қисқа вақт ичида бир қанча министрликлар ва идоралар, иккита янги область, 43 та район, 81 та шаҳар, 14 та шаҳар типидаги поселка, 313 қишлоқ тузилди. Айни вақтда республикадаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар 100 тадан кўпроқ министрлик ва идорага, шунинг ярмидан кўпроғи иттифоқ-республика ва республика министрликларига қарайди. Турли-туман бошқармалар, Бош бошқармалар, республика саноат бирлашмалари ва бошқа оралиқ бўғинлари масалалар моҳиятини ҳал этиш билан шуғулланишдан кўра, кўпроқ топшириқларни етказиб берувчи идора ролини ўйнадилар.

Хуллас, пала-партиш вужудга келтирилган бошқарув системаси ўзининг бесўнақайлиги, кўп бўғинлилиги, аппаратга кўп чиқим қилиниши билан характерланиши, у социал иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифаларига мос келмаслиги докладда ва депутатларнинг нутқларида адолатли равишда кўрсатиб ўтилди. Шуни таъкидлаш жоизки, ишчанлик ва бошқаришнинг жуда муҳим муаммоларига принципиал ёндашув депутатларнинг нутқларига хос хусусият бўлди. Улар Бош схеманинг асосий қоидаларини маъқуллаш билан бирга, уни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча фикр-мулоҳаза ва таклифларни билдирдилар.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида республикамиздаги бутун бошқарув системасини такомиллаштириш соҳасида ўтказилаётган туб тадбирларни экономикани ривожлантириш соҳасидаги мураккаб вазифалар ва шарт-шароитлар тақозо этяпти. Бу — ҳаёт, туб бурилиш даври талабидир. Ўз ролини ўйнаган аввалги бошқариш системасини сақлаб қолиш эндиликда экономикани прогрессив ва жўшқин ривожлантиришга жиддий тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1988 йил 9 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемаси лойиҳаси асосан маъқулланганлиги айни муддаодир. Бош схема лойиҳаси партия ва ҳукуматнинг бошқаришни тубдан қайта қуриш тўғрисида кейинги вақтда қабул қилинган программавий қарорлари туркуми, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни, М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь ва 1988 йил февраль Пленумларидаги нутқларида баён этилган кўрсатмалар асосида, республикани иқтисодий ўстиришнинг объектив талабларига, турғунлик ҳолатларининг туб сабабларини чуқур таҳлил қилишга таяниб ишлаб чиқилган.

Бош схема лойиҳаси Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари билдирган, гражданлар ва меҳнат коллективлари хатларида баён этилган мулоҳазалар ва таклифлар ҳисобга олиниб, узил-кесил ишлаб чиқилганидан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси билан СССР Министрлар Совети муҳокамасига тақдим этилади. Масаланинг узил-кесил кўриб чиқилиши натижалари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари билан республика меҳнаткашларига дарҳол маълум қилинади.

Республика халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш, социал-иқтисодий ривожланиш суръатлари ошиши ва сифати яхшиланишига, раҳбарликнинг кўпроқ иқтисодий методларига ўтилишига, бошқарув аппаратининг сезиларли даражада қисқариб, самарадорлиги ошишига, умумдавлат манфаатларининг меҳнат коллективлари ва территориялар, манфаатлари билан жуда яхши уйғунлаштириб борилишига, фанни ишлаб чиқариш билан қўшишнинг замонавий ташкилий формаларидан кенг фойдаланишга хизмат қилиши кўзда тутилган. Шунингдек, халқ депутатлари Советларининг ўзларига қарашли территорияда иқтисодий ва социал-маданий қурилишни бошқаришдаги роли анча оширилиши зарур. Буларни сессия Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, республика министрликлари ва идоралари олдига муҳим вазифа қилиб қўйди.

Бошқарувнинг янги структураси шароитида муваффақиятли ишлашга қодир бўлган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бундай кадрларни эса партиявий принципиаллиги ва ишга содиқлигига, кенг сиёсий билим доирасига, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва юмушларига астойдил эътибор беришлари билан бирга, юксак касб маҳоратига эга бўлишларига қараб танлаш қоида бўлиб қолиши даркор. Кадрларни бундай танлаш камроқ ходимлар билан кўп ва сифат жиҳатидан анча мураккаб ҳажмдаги ишларни бажаришни таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Бош схемада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш бошқарувни ишлаб чиқаришга яқинлаштиради, экономикага раҳбарлик қилишнинг турли даражаларида пировард иш натижаларига эришиш учун ҳуқуқлар ва масъулиятни бир-бирига янада пухта боғлашни таъминлайди, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда меҳнат коллективлари ва халқ хўжалиги барча бўғинларининг ташаббускорлиги ҳамда ижодий изланишларини кучайтиришга ёрдам беради.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси «Ўзбекистон ССР Давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини атрофлича муҳокама этиб, шу ҳақдаги Қонунни қабул қилди. Социалистик демократияни янада чуқурлаштириш, халқнинг ўзини-ўзи бошқаришини ривожлантиришнинг конкрет ифодаси бўлган бу Қонун давлат ва жамият ҳаётининг муҳим масалаларига доир қарорларни ишлаб чиқишда гражданларнинг иштирокини кенг ошкоралик, меҳнаткашлар билдирган турли фикрлар ва таклифларни таққослаш ҳамда ҳисобга олиш асосида ривожлантиришга ёрдам беради.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари комиссиясини тузиш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу йил 10 апрелдаги қарори билан 23 кишидан иборат ана шундай комиссия тузилди. Депутатлар комиссия СССР халқлари қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш ишида муҳим роль ўйнайди, деб ишонч билдиришди.

Давлат агросаноат комитетининг шаҳарлар аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга доир иши тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ф. А. Полтаеванинг сўрови, уй-жой, мактаблар, социал-маданий соҳанинг бошқа муассасаларини ремонт қилиш учун зарур ресурслар билан таъминлаш хусусида Олий Совет депутатлари Т. М. Тусеева билан Р. Саидовнинг сўровига сессияда жавоблар тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети саккизинчи сессиясида муҳокама қилинган муҳим масалалар ва улар хусусида қабул қилинган ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш республикамизни социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада фаоллаштиришнинг муҳим омиллари бўлиб қолади. Бинобарин мазкур ҳужжатлар кўпмиллатли республикамиз меҳнаткашлари ижодий ғайратлари ва ташаббусини авж олдиришга янги омил бахш этади, мамлакатимиз яхлит халқ хўжалик комплексига Ўзбекистон қўшаётган ҳиссани янада кўпайтиришга хизмат қилади.

# САМИМИЙЛИК ВАЗИЯТИДА

12 апрель куни М. С. Горбачев расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Г. Гусак билан учрашди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари меҳмонни самимий табриклаб, совет коммунистлари, совет кишилари ўртоқ Гусакнинг социализм ишига, партияларимиз ва халқларимизнинг дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган жуда катта ҳиссасини юксак баҳолашларини айтди.

Бўлиб ўтган суҳбатда Совет Иттифоқи ва Чехословакияда ўтказилаётган қайта қуриш, социалистик жамиятни демократиялаш соҳасидаги иш ҳақида бир-бирига ахборот бериш асосий ўринни олди.



СУРАТДА: учрашув пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Биз мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини кескин жадаллаштириш вазифасини қўяр эканмиз, деб таъкидлади М. С. Горбачев, асосан одамларнинг моддий манфаатдорлигига катта эътибор бердик. Шундай қилиш тўғри бўлди ва тўғри бўлиб қолаверади. Бироқ меҳнаткашларнинг ўзлари қарор қабул қилишга, бошқарувда фаол қатнашишга интилиши ҳам қудратли омил эканлиги тез орада маълум бўлиб қолди. Демократиялашнинг моҳияти ҳам халқ ташаббускорлиги ва ўз-ўзини бошқариши учун шароит яратишдан иборат. Бундан чўчиш — халққа ишонмаслик демакдир, халққа ишонмаслик эса социализмга ҳам ишонмаслик демакдир.

Партия жуда кенг ва амалий демократиялаш йўлидан дадил бормоқда — КПССнинг бўлажак Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида шу ҳақда гаплашиб оламиз. Унда партия ва давлат органлари вазифаларини аниқ чегаралашдек катта ва мураккаб масала ҳам асосий равишда кўриб чиқилади. Бу масала шундай ҳал этилиши керакки, партия жамиятнинг сиёсий авангарди сифатида, Советлар эса тўла ҳокимиятли вакиллик органлари сифатида ўзларининг Ленин тушунчасидаги ролига мувофиқ бутун ижодий потенциалини намоён эта оладиган бўлсин. Барча партия, давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва гражданларнинг фаолияти ташаббус билан масъулиятнинг узвий равишда бирга боғланиши таъминланиши учун қатъий қонунчиликка риоя этиш асосига қурилиши ҳам зарур. Ҳуқуқий социалистик давлатнинг барпо этилиши сиёсий система қайта қурилганидан дарак бериши лозим, деб айтиш мумкин.

Г. Гусак ЧКП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида худди шунга ўхшаш муаммолар, гарчи ўз мамлакатимизнинг хусусиятларини эътиборга олиб, ўзига хос тарзда идрок этилган бўлса-да актив муҳокама қилинди, деб таъкидлади. Партиявий ишнинг янги формаларини ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти механизмини анча яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш, марказдаги ва жойлардаги аппаратни қисқартириш, министрликлар сонини камайтириш, уларнинг вазифалари ва иш усулларини қайта кўриб чиқиш масалалари турибди. Сиёсий системанинг барча бўғинлари мустақилроқ ва масъулиятлироқ иш кўришлари керак. Чунки қайта қуриш шуни талаб қилмоқда.

Халқ вакиллари ўз органларининг ҳамкорлигини ва иш тажрибасини баҳам кўришни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги умумий фикр изҳор этилди. Уларда ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга, корхоналар ўртасида бевосита алоқалар, маданият соҳасида ҳамкорлик, одамларнинг мулоқотини ўрнатишга кўмаклашиш учун бир қанча имкониятлар бор.

Суҳбат қатнашчилари халқаро аҳволни, тинчлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш йўлларини баҳолашда бир фикрда эканликлари маълум бўлди.

Совет томони Европани ядро қуролидан халос этишда, Умумевропа жараёнини ривожлантиришда Чехословакиянинг ижобий ролини юқори баҳолади. Бир қанча йиллар мобайнида ЧССР халқаро экологик хавфсизлик ялпи системасини вужудга келтириш ғоясини ўртага қўймоқда. Бу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватласа арзийди.

Чехословакияда қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида Совет Иттифоқи зўр бериб сарфлаётган куч-ғайратлар жуда кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда, деб таъкидлади Г. Гусак. Умумевропа хонадони ғояси — қитъадаги барча халқларнинг тинч, яхши қўшничилиги ва кенг ҳамкорлиги ғояси чехословак халқига айниқса азиздир.

М. С. Горбачев ЧКП Марказий Комитети Бош секретари М. Якешга, коммунистларга, бутун қардош чехословак халқига муваффақият тилаб билдирилган истакларни топширишни сўради.

Учрашув самимият ва тўла ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. Унда ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек, Чехословакия Президенти маҳкамасининг бошлиғи Ф. Шалда; совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси Г. Х. Шахназаров бор эдилар.

* * *

12 апрель куни расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР Президенти Г. Гусакка Кремлда А. А. Громико Ленин орденини топширди, унинг Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига шахсан қўшган катта ҳиссаси шу тариқа тақдирланди.

Мукофот топшириш пайтида П. Н. Демичев, Г. П. Разумовский, В. А. Медведев ўртоқлар, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек, куни кеча бўлиб ўтган Совет — Чехословакия музокараларининг қатнашчилари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

А. А. Громико билан Г. Гусакнинг мукофот топшириш вақтидаги нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

* * *

ЧССР Президенти В. И. Ленин Мавзолейига ва Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйди.

* * *

Тушдан кейин Г. Гусак Москвадан Тошкентга жўнаб кетди.

Аэродромда уни А. А. Громико, Э. А. Шеварнадзе, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

# Г. ГУСАК ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак 12 апрель куни Тошкентга келди.

Ҳурматли меҳмон шарафига Тошкент аэропортида ЧССР, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат байроқлари кўтарилган ҳамда чех, рус ва ўзбек тилларида табрик транспарантлари осилган эди.

Густав Гусакни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Орлов, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек, ЧССРнинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси И. Ржегоржек, СССРнинг ЧССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. П. Ломакин Густав Гусак билан бирга Тошкентга келдилар.

(ЎзТАГ).



Суратда: ЧКП Президиумининг аъзоси, ЧССР Президенти Г. Гусак (ўнгдан иккинчи) Тошкент билан танишмоқда. ЎзТАГ фотоси.

# Дўстона суҳбат

ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР Президенти Г. Гусак 13 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов билан учрашди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Орлов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, СССРнинг ЧССРдаги элчиси В. П. Ломакин, ЧССРнинг СССРдаги элчиси И. Ржегоржек ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Р. Н. Нишонов олий мартабали меҳмонни унга СССРнинг юксак давлат мукофоти — Ленин ордени топширилганлиги билан Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан самимий муборакбод этди. У бутун Совет Иттифоқидаги каби Ўзбекистондагилар ҳам, барча Г. Гусакни қардош Чехословакиянинг жуда катта партия ва давлат арбоби, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли намояндаси, мамлакатимизнинг улкан дўсти сифатида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш масалаларига доимий эътибор бериб келаётган инсон сифатида билишларини таъкидлади.

Меҳмон Ўзбекистон турмушининг барча соҳаларида қайта қуришнинг бориши билан республика партия ташкилоти, меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тошкентда бўлган вақтида ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга бутун кучларини сарфлаётганликлари билан таништирилди. Ҳозирги вақтда партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш, давлат органлари билан партия органларининг вазифаларини яна ҳам аниқроқ белгилаб қўйиш, корхоналар ва хўжаликларга ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишда кўпроқ мустақиллик бериш соҳасидаги ишларни кучайтирмоқдалар. Бунда социалистик мамлакатлар шу соҳада тўплаган бой тажрибадан фойдаланиш ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Суҳбатда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан алоқаларига катта эътибор берилди. Сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий соҳаларда ҳамда жамоатчилик йўллари билан бундай алоқалар ривожланиб бормоқда. Масалан, республикамиз корхоналари ўтган йилнинг ўзидагина ЧССРга ўнлаб миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот жўнатганлиги қайд этиб ўтилди. Пахта толаси, йигирув машиналари, электрон ускуналар, экскаваторларнинг эҳтиёт қисмлари, кўн хом ашёси ва бошқа кўпгина товарлар шулар жумласидандир. Бизнинг республикамиз ҳам Чехословакиядан station станоклар, машина-ускуналар, темир йўл вагонлари, фармацевтика ва парфюмерия саноати маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа кўпгина маҳсулотлар олиб турибди. ЧССР билан Ўзбекистон ССР ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудки, мамлакатларимизнинг халқ хўжалигида ҳозир амалга оширилаётган йирик ўзгартишлар ана шундай имкониятларни яратиб бермоқда. Ҳозирча бу резервлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Суҳбат қатнашчилари халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик тўғрисида гапириб, Ўзбекистондагилар Чехословак халқининг шонли фарзанди Юлиус Фучикнинг хотирасини ҳурмат билан эъзозлаётганликларини мисол қилиб келтирдилар. Ю. Фучик 30-йилларда республикага бир неча марта келиб, ўз асарларида совет Ўрта Осиёсида социалистик жамият қурилишидаги муваффақиятлар тўғрисида ёзган эди. Фашизмга қарши курашган ажойиб журналистнинг музейи Тошкентнинг энг диққатга сазовор жойларидан биридир.

Р. Н. Нишонов Чехословакия халқларига социалистик қурилишда, ЧКП XXII съездининг, ЧКП Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва ижтимоий турмушини қайта қуришга оид қарорларини рўёбга чиқаришда, шонли юбилей-Чехословакия мустақил деб эълон қилинган куннинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишда янги-янги муваффақиятларга эришишларини тилаб билдирган истакларини топширишни илтимос қилди.

Г. Гусак Ўзбекистон диёрида сидқидилдан кутиб олганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этди, ҳозирги вақтда Чехословакия Социалистик Республикаси олдида турган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида сўзлаб берди. У Чехословакия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги, КПСС билан ЧКП ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик иккала мамлакат халқлари бахт-саодати йўлида, Ер юзида тинчлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади, деб қатъий ишонч билдирди.

(ЎзТАГ).

